

## Сийрат дарслари (12-дарс)



15:00 / 22.12.2018 7532

\* \* \*

*84. Жобир розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам олдимга хачир ҳам, ажамий от ҳам минмай келдилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

\* \* \*

*85. Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам бомдод намозини ўқиганларидан кейин Мадинанинг хизматкорлари сувли идишларини олиб келишар эди.

Қайси идиш келтирилса, у зот унга қўлларини солар эдилар. Баъзида совуқ тонгда ҳам келишарди. У зот қўлларини солардилар».

*Муслим ривоят қилган.*

\* \* \*

*86. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадя қабул қилар ва унга яраша мукофот берар эдилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

\* \* \*

*87. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким мени тушда кўрса, ҳақиқатан мени кўрган бўлади. Чунки шайтон менинг қиёфамга кира олмайди», дедилар».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

\* \* \*

*88. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қирқ ёшларида (пайғамбар қилиб) юборилдилар. Маккада у зотга ўн уч йил ваҳий юборилиб турди. Сўнгра ҳижратга амр қилиндилар. Шунда Мадинага ҳижрат қилдилар ва у ерда ўн йил истиқомат қилдилар. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилдилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

\* \* \*

*89. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга охирги назар солганимда у зот пардани очдилар. Одамлар Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ортида сафда туришган эди. Абу Бакр ортига тисарилмоқчи бўлди. У зот «тураверинглар» деб ишора қилдилар ва пардани туширдилар. У зот ўша куннинг охирида вафот этдилар. У кун душанба эди».

*Муслим ва Насоий ривоят қилишган.*

\* \* \*

*90. Амр ибн Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этган вақтларида дирҳам ҳам, динор ҳам, қул ҳам, чўри ҳам, қўй ҳам қолдирмадилар. Фақатгина оқ хачирлари, силоҳлари ва садақа қилган ерлари қолди».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

\* \* \*

*91. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мушрикларнинг зиддига дуо қилинг», дедим. «Албатта, мен лаънатловчи қилиб юбо-рилмаганман. Албатта, мен раҳмат этиб юборилганман», дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

\* \* \*

*92. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Раҳмлиларга Роҳман раҳм қилади. Ердагиларга раҳм қилинг, сизга осмондаги Зот раҳм қилади», дедилар».

*Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривоят қилишган.*

\* \* \*

*93. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Раҳмдиллик фақатгина бадбахтдан суғуриб олинади», деганларини эшитдим».

*Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

\* \* \*

*94. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳ раҳматни юз қисмга бўлди. Ўз ҳузурида тўқсон тўққиз қисмини тутиб қолиб, Ерга бир қисмини нозил қилди. Ўша қисмдан махлуқотлар бир-бирларига раҳм қиладилар. Ҳаттоки от ўз боласига озор етказмаслик учун туёғини ундан кўтаради», деганларини эшитдим».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

95. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига асирлар келтирилди. Асирлар ичида бир аёлнинг сийнаси сутга тўлган эди. У асирлар ичида бирор гўдакни кўрса, кўксига босиб эмиза бошлар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: «Ушбу аёл боласини ўтга ташлайди, деб ўйлайсизларми?» дедилар. «Йўқ, у уни ташламасликка қодир», дедик. «Бу аёлнинг боласига раҳмли бўлганига қараганда Аллоҳ бандаларига раҳмлироқдир», дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**